

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

39 «Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижа-
лар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига
пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида»ги қарорга қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1657-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 27 октябрдаги ПФ-4665-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида» 2006 йил 20 декабрдаги ПФ-3832-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2007 йил 5 январдаги 2, 285-В, 01-10-14-сонли «Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижа-лар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1657, 2007 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4 — 6-сон, 59-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 20 январь,
02-сон

Р. АЗИМОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2015 йил 20 январь,
285-В-1-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

**Маданият ва спорт ишлари
вазири в. в. б.**

Б. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 январь,
08-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари
вазирлигининг 2015 йил 20 январдаги
02, 285-В-1, 08-сон қарорига
ИЛОВА

**«Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун
Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган қўшимчалар**

1. Қарорнинг номи, муқаддимаси ва 1-банди «Осиё» деган сўздан кейин «ва Паросиё» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Низомнинг номи, муқаддимаси, 1-банди биринчи хатбоши, 2, 6 ва 7-бандлари «Осиё» деган сўздан кейин «ва Паросиё» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан келишилган.

*Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки бошқаруви раиси*

С. РАХИМОВ

2015 йил 20 январь